



Пири-Реис



«Христофор Колумб Америкага боргунга кадар у ерда мусулмонлар бор эканлигини яхши билар эди».

Лео Винер, Гарвард университетининг профессори.

«Африка ва Америка кашф килиниши» китобидан

«Христофор Колумб Америкага боргунга кадар у ерда мусулмонлар бор эканлигини яхши билар эди».

Лео Винер, Гарвард университетининг профессори.

«Африка ва Америка кашф килиниши» китобидан

Мен бу китобни ёзиш мобайнида, Американи кашф этилишида мусулмонлар билан боглик бўлган ҳолатларга дуч келганим ва Колумбдан аввал Америкада Ислом кенг тарқалганини таъкидловчи маълумотларни ўрганиб, очиги хайратга тушдим ва буни китобга туширишга қарор қилдим.

Бу тарихий ҳақиқатни ишончли манбалар билан тасдиқлашдан аввал мактабларда ўқитилган, яъни Американи Колумб кашф қилган деган маълумотни кўриб чиксак.

Испания қироличаси Изабелла Биринчи ўша пайтда Европада ўта кадрланган зираворларни олиб келиш учун, 1492 йили денгиз саёҳатчиси Христофор Колумб етакчилиги остидаги кемани Хиндистонга юборади. Улар гарбни кўзлаб йўлга

чикадилар. Нихоят бир оролга етиб боришади. Улар Хиндистонга келдик деб ўйлаб, у ердаги махаллий аҳолини хиндулар деб атайдилар. Лекин Колумб бошка материкка бориб колганини билмайди. «Америка» номи эса Италиялик яна бир денгиз саёхатчиси Америго Веспуччи шарафига номланган.

Дарҳақиқат, улар биздан ҳақиқатни яширганлар. Биз мактабда ўқиган тарих дарсликлари - шунчаки бир сафсата экан, холос!

Колумб у ерга саёхат қилишидан аввал, у ерда «Янги олам» бор эканлигидан хабардор эди ҳамда у ерда мусулмонлар яшашини ҳам билган. Колумб Америкага христиан бўлган киролича Изабелланинг буйруғи билан борган эди.

Бирок мусулмонларни Американи Колумбдан аввал кашф қилганлиги ҳақида қандай далил-исботлар мавжуд?

Қуйида навбати билан келтирилган маълумотлар билан танишинг:

□ Хижрий I аср: Бу милодий еттинчи асрга тўғри келади. Хижратнинг 21 йили тугилган имом Амир Шаъбий (Умар ибн Хаттоб даврида) айтган ажойиб бир ҳадисини Абу Бакр Халал «ал-Хасс алааттижара вас-синаъа вал аъмал» номли китобида келтиради:

«Андалус ортида Аллох таолога ибодат қилгувчилар бор. Улар би-лан Андалуснинг оралиги, биз билан Андалусгача бўлган масофа қабидир. Улар гуноҳ ишлардан сакланувчи кишилар бўлиб, ерлари дуру марваридлардан бўлса, тоғлари олтин-кумушдандир. Ер ҳайдамайдилар. Бирор нарса экмайдилар ва ҳеч қандай юмуш билан шугулланмайдилар, уйлариинг олдиларида озикланиши учун мевали дарахтлар бор. Уларнинг қийими эса кенг япрокли дарахт барглариандир».

Тарих ва география фанларидан хабари бор одам юкоридаги таърифдан Америка аҳолиси ва хиндулар ҳақида гап кетаётганини пай-қайди. Ҳақиқатда, Америка олтин-кумушга бой ўлка. Шунингдек, у ерда цивилизация ўзларига яраша тараккий этган бўлиб, олтин-кумушлардан уй қурганлари ҳам бўлган. Америкада, айниқса, Жанубий Америкада турли мевали ва кенг япрокли дарахтлар кўп бўлиб, улардан қийим сифатида фойдаланганлар. Имом Шаъбий ҳадисда келтирган сифатлар ҳақиқатга анча яқин. Чунки Андалуснинг ортида факат Атлантика океани бўлиб, орасидаги фарқ ҳам у сифатлаганидек, имом яшаган Куфа шаҳри билан Андалусгача бўлган масофа - Андалус билан Америка ўртасидаги масофага тенг бўлган. Бу ҳадисдаги Андалус номини тилга олиниши ҳам беъжиз эмас. Бу ҳам Америкага борганлар Андалус мусулмонлари эканлигига яна бир далилдир.

Энди савол тугилади: «Имом Шаъбий бу ҳадисни қаердан олган? Ёки у бу ҳақида саҳобалардан эшитганми?» Бу масалада муҳаддис олимларга эҳтиёж сезилади. Шаъбий ҳам юкорида келтирилган ҳадисни шунчаки тусмоллаб гапирмаса керак.

□ Хижрий 63 йили (милодий 683 й.): Имом Табарийнинг «Тари-хар Расул вал мулк», тарихчи Ибн Асирнинг «ал-Камил фит-тарих», тарихчи Ибн Касирнинг «Ал-Бидоя ван-нихоя» ва имом Заҳабийнинг «Сияру аъламун-нубала» номли китобларида лашкарбоши Укба ибн Нафиъ «Коронгилик денгизи» деб аталган Атлантика океанига боргани ва ўша ерда Исломни даъват қилмокчи бўлгани ҳақида айтилади: «Эй Парвардигор! Агар шу денгиз ортида бирор юрт борлигини эшитсам, у ерга Исломингни ёйиш учун, сузиб ўтган бўлар эдим».

□ Хижрий III аср: Абулҳасан ибн Али ал-Маъсудий «Муружуз-заҳаб ва маъадинал жавҳар» номли китобида Кордовалик Хашхаш ибн Саид ибн ал Асвад номли саёхатчи дўстлари билан «Коронгилик денгизи» деб аталган Атлантика океанига сузиб ўтишган. У саёхатчи 889 йили олтин олиб қайтиб келган ва у ерда одамлар яшаши ҳақида хабар

берган.

□ Хижрий VI аср: Колумбнинг Америкага боришидан 300 йил аввал бўлиб ўтган воқеалар хусусида баён қиламиз. Шариф Идрисий деган ном билан машхур бўлган география олими Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Идрисий ал-Хошимий ал-Курайший 1154 йили ер глобусини ясаган. Муслмонлар ерни шар шаклида эканли-гини аввалдан билишарди. Унинг харитасида Магрибдан то Шимолий Европагача бўлган ороллар ўрин олган. 12 асрда яшаган ал-Идрисий «ал-Мамалик ва ал-Масалик» китобида бир ёш муслмон саёхатчиси бош бўлган кема Португалия пойтахти Лиссабондан Атлантикани сузиб ўтиб, Кариб оролига аниқроғи, Куба ва Эспаньолага (ҳозирги Гаитига) боргани ва уларнинг баъзилари у ернинг одамлари ҳақида хабар бериш учун қайтиб келгани ҳақида ёзади. У ерда яшовчи аҳолини араб тилида сўзлашгани уларни хайратга солган.

□ Хижрий VIII аср: Ислом тарихчиси Шаҳобиддин Умарий «Маса-лик ал-Абар фии мамалик ал-амсар» номли китобида Малининг бош вазири манса (султон) Мусонинг 1324 йили ҳаж сафарисидаги ажойиб воқеасини ёзиб қолдирган. Унга кўра, манса Мусонинг акаси 200 кема ясадиб, Мали ҳукмдорлигини укаси Мусога топшириб, Атлантика океанининг номаълум тарафига қараб сузиб кетадилар. У бу саёхатидан қайтмагани учун Мали ҳукумати манса Мусо ўз қўлига олади. У пайтдаги Мали империяси ҳозирги Мали ўлкасидан анча катта бўлган. Шунингдек, у ер олтинга бой бўлган ҳамда унинг майдони Ғарбий Африканинг кўп қисми ва Атлантика океанигача бўлган жойларни ўз ичига олган.

Изланишлар мобайнида, Мали империясини бошқарган сирли подшоҳ Абу Бакр Иккинчининг (ёки Абу Бакр ибн Муҳаммад) Малини тўққизинчи мансаси (султони) бўлганини аниқладим. Унинг тарихи бошқа подшолардан фарқли ўлароқ, у ўз ҳукмдорлигидан кечиб, Ислом динини кенг тарғиб қилиш мақсадида, 200 кема ва 2000 га яқин қайиқлар ясадиб, Колумбдан 200 йил аввал 1311 йили Янги оламга (Америкага) сузиб ўтган. У ерда Ислом ўлкасини барпо қилган. Христофор Колумб Америка китъасида африкаликлар бор эканини ўз хотираларида таъкидлаган. Шунингдек, у африкаликларни олтинни ажратиш олиш усулини ўзлаштирганликлари ҳақида баён қилиб, бу усул африкаликларга тегишли эканини айтиб ўтган.

Абу Бакрнинг саёхати ҳақида укаси манса Мусо 1324 йили Мали пойтахти Тимбуктудан (ҳозирги пойтахти Бомако) Маккага ҳаж қилиш учун кетаётиб, Мисрдан ўтганда тарихчи ал-Умарийга айтиб берганини юқорида баён қилдик. Шунингдек, манса Мусо акаси Абу Бакрни йўлга чиқишидан аввал кемаларини текшириш ишларини олиб борган. Араб кемасозларини олиб келиб, худди ўзлариникидек мустаҳкам қилиб ясашларини тайинлаган. Сўнгра икки йилга етарли қурилган озик-овқатларни олиб, савдо қилиш учун бир неча тонна олтин билан йўлга чиқишган эди.

Американинг Ратгерс университетини Африкашунос олим, профессор Иван Ван Сертима 1976 йили (Улар Колумбдан аввал қелишган) номли китобида Американинг иккала китъасидаги археологик топилмалар - африкаликларни Колумбдан аввал келганидан далолат бериши ҳақида айтиб ўтган. Британиянинг BBC канали Малилик олим Гасу Гивара айтган далиллар бўйича, Абу Бакр Иккинчининг ажиб тарихи асосида ҳужжатли фильм суратга олган. Бунда ҳиндуларнинг баъзи бир қабилалари Африкадаги муслмонлар қўлланган мандинка алифбосидан ҳозирги кунгача фойдаланиши маълум бўлган. Шунингдек, бир дўстим Жанубий Америкага қилган саёхатида, ҳиндуларни баъзи одатлари Исломнинг урф-одатларига мос қелишини айтиб берган эди.

□ 1421 йил: Британиялик ҳарбий офицер, океаншунос Жавин Мэнзес хитойлик бир

саёхатчини Колумбдан 70 йил илгари Американи кашф килгани хакидаги назарияни илгари сурди. «Хитой дунёни очган» - китобида Чжен Хэни 1421 йили Америка сохилларига сузиб кетганлиги хакида ёзган. Унинг мусулмонча исми Хожи Махмуд Шамс бўлган. У нафакат Американи, балки Жеймс Кукдан юз йиллар аввал Австралияни ҳам кашф килган. Бундан келиб чиқадики, мусулмонлар Америкадан ташкари Австралияни ҳам биринчилардан бўлиб кашф килганлар.

□ 1493 йил: Христофор Колумб ўз эсдаликларида шундай дейди: «Бу ерда яшовчиларнинг кийимлари Кордовадаги мусулмон аёлларини пахтадан бўлган кийимларига ўхшар эди». Гарб олимлари эса, Колумб бу сўзларни шунчаки фараз килган дейдилар. Шунингдек, Колумб Кубага бўлган саёхатида, у ерда масжид кўргани хакида ҳам айтиб ўтган.

(Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоғон 2014 йили Кубага бўлган ташриф чоғида, Куба ҳукуматидан Колумб ёдга олган жойга масжид қуришликни сўраган).

□ 1564 йил: Французлар ўша пайтда ўзларига қарашли бўлган Флорида харитасини чизадилар. Шунингдек, бу харитада Марракеш, Майорка ва Кадис номли Магриб ва Андалусдаги шаҳар номлари бўлган. Ўша даврда Эски Оламда (Европа, Африка ва Осиёда) мусулмонлар ва салибчилар ўртасида тинимсиз урушлар бўлиб турган. Флоридадаги Ислоний номлар берилган шаҳарларга мусулмонлар тахминан 100 ёки 200 йил илгари кўчиб борганлар.

□ 1880 йил: Мануэль Ибраско Эбера исмли мексикалик машҳур тарихчи «Мексика истилосининг қадимги тарихи» номли китобида Американи Колумбдан илгариги ҳолатини тасвирлаган: «Марказий Америкада, айниқса Бразилияда, Африкадан келган қора танлилар ўтроклашиб, кейинчалик Жанубий ва Шимолий Америкага тарқалганлар». Албатта, бу ерда қора танлилар деб Мали ва Гарбий Африкадан борган мусулмонлар назарда тутилган.

□ 1920 йил: Америкалик профессор, асли яҳудий бўлган, Гарвард университети ўқитувчиси Лео Винер «Африка ва Американинг кашф қилиниши» китобида қуйидагиларни ёзади: «Христофор Колумб Америкага боргунга қадар, у ерда мусулмонлар бор эканлигини яхши билар эди».

Профессор ўз сўзини у ернинг қишлоқ ҳўжалиги, тили ва маданиятини далил сифатида кўрсатган. Шунингдек, у мандинка номли мусулмон қабиласи Марказий ва Шимолий Америкага кенг тарқалганини алоҳида таъкидлаб ўтади. Улар Шимолий Америкада ҳиндуларнинг ироқез ва алконкино қабилалари билан аралашиб, Канадага тарқалганлар.

□ 2000 йил: Испаниядаги Медина-Сидония шаҳрининг герцогиняси Луиза Изобелла Альварес де Толедонинг ота-бобосидан қолган саройни таъмирлаш ишлари олиб борилаётган пайтда, Андалусда мусулмонлар ҳукмронлик қилган даврга оид, араб тилида ёзилган бир ҳужжат топиб олади. Бу ҳужжатда Колумб Америкага боргунга қадар, у ердаги мусулмонлар яшагани хакида батафсил ёзилган эди. Ҳужжатни унинг Андалусдаги мусулмон бўлган боболари Испания аскарларининг генераллари бўлгунга қадар сир сақлашган. Бу аёл вафот этмасидан аввал, испанларни ҳужжатни ёкиб юборишларидан қўриқиб, Америкада Ислон дини мавжуд бўлганини исботлаш мақсадида, 2008 йили китоб қилиб чиқарган. 2001 йили Британиянинг BBC телеканали Луиза Изабеллани интервьюга қақирган.

□ 1929 йили: Турклар вайрон бўлган тарихий саройлардан бирида таъмирлаш ишларини олиб бораётганда, қийик терисига қизилган қадимги харитани топиб оладилар. Бу

харита хозирги кунгача НАСА космик агентлиги ва бир канча олимларни таажжубга солади. Бу хаританинг тарихи кандай ва уни ким чизган?

Бу харита муаллифи Пири-Реис хисобланади. Реис - бу Усманийларнинг флот рахбарига берган унвон. Унинг тўлиқ исми - Хожи Ахмад Мухиддин Пири. У Истанбулнинг гарбидаги Галлиполи шаҳрида тугилган. Бу шаҳар харбий-денгиз кучларининг маркази саналган. Усманийлар давлатининг муфтийи шайхул Ислом ибн Кемал, тарихчи ва «Усманийлар тарихи» номли китобнинг муаллифи у хақида шундай дейди:

«Галлиполи одамлари умрини тимсоҳ каби денгизда ўтказадилар. Кайикрар уларнинг каравоти бўлса, денгиз ва кемалар уларни тебратувчисидир».

Кахрамонимиз Пири-Реис амакиси кўлида тарбия топган. Унинг исми Кемал Реис тарихдаги улуг денгиз саёхатчилардан бўлган. Боязид II Андалусдаги мусулмон ва яхудий кочкинларига биринчи куткарув Экспедициясини жўнатишга фармон берганда, у ҳам амакиси билан бирга боради. Бундан ташкари, унда расм чизиш қобиляти ҳам бўлиб, тарихдаги муҳим аҳамият касб этган харитани чизишга муваффақ бўлган. Амакиси Кемал Реис оламдан ўтгандан сўнг, Мухиддин Пири-Реис Аллох йўлида курашишликда давом этади. У Америка харитасини биринчи бўлиб чизган ҳамда Американи Колумб кашф қилган деган сўзни йўққа чиқарган. Американи кашф қилган инсон Пири-Реис эканлигини юз йиллар давомида биздан яшириб келишган. Бу билан биз Америкада Пири-Реисга қадар ҳеч ким бўлмаган деган сўздан йироқмиз.

Унга қадар Американинг иккала қитъасида ҳам одамлар яшаган. Инклар маданияти каби ўз цивилизацияни ривожлантириб, ўз ҳукуматларини ўрнатишган. Бу ердаги маҳаллий аҳоли Америкага Пири-Реисдан минг йил аввал Осиё ва Америка Аляскасини ажратиб турган Беринг бўғози орқали, муз қоплаб турган пайтда кўчиб боришган. Бу ҳиндулар билан осийликларни юз тузилиши биров ўхшаш бўлганлигини тасдиқлайди. Юкорида айтилганидек, Америкага Пири-Реисга қадар мусулмонлардан ташкари викинглар каби мусулмон бўлмаган халқлар ҳам борганлар. Таъкидлаш жоизки, Пири-Реис бир неча хариталар асосида иккала Америка харитасини илмий асосда биринчи бўлиб чизган эди. Уларнинг орасида «Американинг биринчи кашфиётчиси» номини олган Колумбнинг харитаси ҳам бор. Пири-Реис бу кашфиётларни ўзининг «Китабул бахрия» номли китобига туширгандан сўнг, уни мусулмонлар подшоҳи Сулаймон Конунийга топширган. Бу ҳали ҳаммаси эмас! Турклар кашф қилган харитада Пири-Реис жанубий қутбни ҳам (Антарктида) харитасини туширган экан.

Дарҳақиқат, олимларни хайратга солган Пири-Реис харитаси ўта аниқ тасвирланган Американинг шарқий соҳилларидаги чегаралари ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Шунингдек, унда биологик ва географик жихатлар ҳам тафсилотлари билан акс эттирилган. Пири-Реис бу харитасида ҳар бир райондаги жониворлар ва ўсимлик турларини тасвирлаган. Таъкидлаш жоизки, у ўзининг харитасида испанлар ва португалларни Амазонка дарёсининг ўзани ва этагини топдик деб даъво қилишларидан бир неча йил илгари, уни харитага тушириб қўйган экан. Американинг ҳозирги олимлари тахмини бўйича, бунинг ўзига сайёраликлар чизган ёки Пири-Реисга чизишга қўмаклашган эмиш. Бу харитани текшириш учун ўн йил эмас, балки юз йил вақт керакдир. Булар Пири-Реисга қадар бир неча йил илгари Америкага бориб, яшаб қолган одамлар хақида билмайдилар, билса ҳам тан олмайдилар. Бу харитани қозғашга туширишда Пири-Реисга ерлик мусулмонлар ёрдам берган бўлиши мумкин. Балки минг йиллардан бери яшаб қелаётган ҳиндуларнинг Ислом динини қабул қилганлари Пири-Реисга жанубий қутбни чизишда қўмаклашгандир.

Пири-Реис география оид бир канча кашфиётлар килганига карамай. Араб ярим оролидаги мусулмонларга ёрдам бериб, португалиялик салибчиларни хужумларини бартараф килиш учун, Хинд океани, Форс бўғози ва Кизил денгиз узра Ислом халифалигига карашли флот билан бирга сузиб ўтди. Пири-Реис Ямандаги мусулмонларга ёрдам бериб, Адандаги салибчилардан химоя килиш учун, Ислом харбий-денгиз флотига рахбарлик килган. Сўнгра португалиялик салибчилар босиб олган Уммон пойтахти Маскатга бориб, у ердаги баходирлар билан бирга Маскатни салибчилардан озод киладилар. (Сўнгра португалиялик салибчилар Уммонни яна босиб оладилар. Бир неча асрлардан кейин Ярубийлар чикиб, Уммонни озод килишган). Холбуки, Уммон давлати Усманийлар халифалиги таркибига кирмаган. Уларнинг максади ерини кенгайтириш эди десак, хато бўлар. Чунки Усманийлар Мисрдаги мамлукларга Ал-Аксар Ал-Кабира жангида марокашликларга, Андалусдаги Насридларга, Уммондаги мусулмонларга, колаверса, португалиялик салибчиларга карши курашган хиндистонликларга ҳам ёрдам қўлларини чўзганлар.

Уммондан сўнг кахрамонимиз Пири-Реис Форс бўғозидаги портни эгаллаб олган салибчиларга карши курашмокчи бўлган араб жангчиларига ёрдам бериш учун, Бахрайндан Катарга ва Басрага боради. У ерда Басра хокими унга карши уюштирган суикасд туфайли вафот этади. Пири-Реиснинг Ислом флотига етакчилик килган пайтдаги ёшини эшитиб, хайратланишингиз турган гап. У флотни тўксон ёшида бошқарган ва Аллох учун курашган. Шундай экан, умидингни сўндирма. Максад сари доимо олга интил!

Португалларни Шаркка бўлган харакатига нима сабаб бўлган?

Уларни Добрая Надежда бурнини кашф килиш тарихи кандай бўлган?

Эфиопия империяси ва португалиялик салибчилар тузган альянс тарихи аслида кандай эди?

Сомали ўлкаси тарихини биласизми?

Сомалиликлар бу умматни узок йиллар давомида кандай килиб химоя килганлар?

Ат-Туробийнинг

"Ислом умматининг 100 буюк шахси" китобидан